

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**PHILOLOGICAL RESEARCH:
LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION**

**FILOLOGIK TADQIQOTLAR:
TIL, ADABIYOT, TA'LIM**

**ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ:
ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ**

Илмий-инновацион журнал

2022/ № 5-6

Термиз – 2022

Муассис:
Термиз давлат университети

**PHILOLOGICAL RESEARCH:
LANGUAGE, LITERATURE,
EDUCATION**

**FILOLOGIK TADQIQOTLAR:
TIL, ADABIYOT, TA'LIM**

**ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ:
ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА,
ОБРАЗОВАНИЕ**

ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН ЖУРНАЛ

Журнал бир йилда 4 марта, босма ва электрон шаклда (ўзбек, рус, инглиз тилларида) чоп этилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 19 октябрда 1122 рақами билан рўйхатга олинган. Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир. Журналдан кўчириб босилганда манба қайд этилиши шарт.

Босишга рухсат этилди: 28.11.2022
Қоғоз бичими: 70x85
Босма табоғи: 15
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 100 нусха
Баҳоси келишилган нарҳда.
Буюртма: 102

“ТерДУ босмаҳонаси”да чоп этилди.
Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43-уй

Таҳририят манзили:
190111, Термиз шаҳри,
Баркамол авлод кўчаси, 43.
Телефон: +998762231649
E-mail: philologicalresearch@umail.uz
Расмий сайт:
www.philologicalresearch.uz

БОШ МУҲАРРИР:

Авазжон МАРАХИМОВ, техника фанлари доктори, профессор

Бош муҳаррир ўринбосари:

Бекпўлат УМУРҚУЛОВ, филология фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Шоҳиста МАХМАРИМОВА, филология фанлари доктори, доцент

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ўрал Холиёров, ф.ф.ф.д. (PhD), доцент (Ўзбекистон)

Олмос Улвий Биннатова, ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Карл Райхл, ф.ф.д., профессор (Германия)

Вали Саваш Елок, ф.ф.д., профессор (Туркия)

Дорота Силвия, ф.ф.ф.д. (PhD), доцент (Польша)

Муслиҳиддин Муҳиддинов, ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Ибодулла Мирзаев, ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Абди Маматов ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Суюн Каримов ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Муҳаммадхон Ҳақимов, ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Нафас Шодмонов ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дилмурод Қуроноф, ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бахтиёр Менглиев, ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Нормат Йўлдошев, ф.ф.н., доцент (Ўзбекистон)

Абдулла Худойқулов, ф.ф.ф.д. (PhD) (Ўзбекистон)

Бобоназар Муртазаев, ф.ф.н., доцент (Ўзбекистон)

Асқар Эшмўминов, ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

Обиджон Шофиев, ф.ф.ф.д. (PhD), доцент (Ўзбекистон)

Зафар Умурқулов, ф.ф.ф.д., доцент, (PhD) (Ўзбекистон)

Нурали Амонтурдиев, ф.ф.ф.д. (PhD) (Ўзбекистон)

Абдумурод Арслонов, ф.ф.ф.д. (PhD) (Ўзбекистон)

Шоира Амонтурдиева, ф.ф.ф.д. (PhD) (Ўзбекистон)

Сирожиддин Турдимуродов, ф.ф.ф.д. (PhD) (Ўзбекистон)

Гулчехра Бегматова, ф.ф.ф.д. (PhD) (Ўзбекистон)

Наргис Қурбоназарова, ф.ф.ф.д. (PhD) (Ўзбекистон)

Зайнура Қодирова, ф.ф.ф.д. (PhD) (Ўзбекистон)

Учредитель:
Термезский государственный
университет

**PHILOLOGICAL RESEARCH:
LANGUAGE, LITERATURE,
EDUCATION**

**FILOLOGIK TADQIQOTLAR:
TIL, ADABIYOT, TA'LIM**

**ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК,
ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ**

НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ
ЖУРНАЛ

Журнал издается 4 раза в год
в печатном и электронном виде
(на узбекском, русском
и английском языках).

Зарегистрировано Агентством
информации и массовых
коммуникаций при Администрации
Президента Республики
Узбекистан от 19 октября 2020 года
под номером 1122.

Авторы несут ответственность за
точность приведенных в текстах
примеров, отрывков и данных.
Необходимо указывать источник при
копировании из журнала.

Разрешено к печати: 28.11.2022
Размер бумаги: 70x85
Печатный лист 15
Офсетная печать. Офсетная бумага.
Тираж: 100
Цена договорная.
Заказ: 102

Печатано в "Типографии ТерГУ"
ул. Баркамол авлод 43, г. Термез

Адрес редакции:
190111, г. Термез, ул.
Баркамол авлод, 43.
Телефон: +998762231649
E-mail: philologicalresearch@umail.uz
Официальный сайт: www.
philologicalresearch.uz

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:

Авазжон МАРАХИМОВ, доктор технических наук, профессор

Зам. Главного редактора:

Бекпулат УМУРКУЛОВ, доктор филологических наук, профессор

Ответственный редактор:

Шохиста МАХМАРАИМОВА, доктор филологических наук, доцент

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Урал Холияров, ф.ф.ф.д. (PhD), доцент (Узбекистан)

Олмос Улвий Биннатова, д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Карл Райхл, д.ф.н., профессор (Германия)

Вали Саваш Елок, д.ф.н., профессор (Турция)

Дорота Сильвия, PhD, доцент (Польша)

Муслихиддин Мухиддинов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Ибодулла Мирзаев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Абди Маматов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Суюн Каримов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Мухаммадхон Хакимов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Нафас Шодмонов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Дилмурод Куронов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Бахтиёр Менглиев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Нормат Юлдашев, к.ф.н., доцент (Узбекистан)

Абдулла Худайкулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Бобоназар Муртазаев, ф.ф.н., доцент (Узбекистан)

Аскар Эшмуминов, д.ф.н., доцент (Узбекистан)

Обиджон Шофиев, д.ф.ф.н. (PhD), доцент (Узбекистан)

Зафар Умуркулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Нурали Амонтурдиев, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Абдумурод Арслонов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Шоира Амонтурдиева, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Гульчехра Бегматова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Сирожиддин Турдимуродов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Наргис Курбанмуродова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Зайнура Кадилова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Institutor:
Termez State University

PHILOLOGICAL RESEARCH:
LANGUAGE, LITERATURE,
EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR:
TIL, ADABIYOT, TA`LIM
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ

ИССЛЕДОВАНИЯ:
ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА,
ОБРАЗОВАНИЕ

SCIENTIFIC-INNOVATIONAL
JOURNAL

Journal is published 4 times in a year
in printed and digital forms (in Uzbek,
Russian and English languages)

Registered by the Agency
for Information and Mass
Communications under the
President's Administration of the of the
Republic of Uzbekistan on October 19,
2020 under number 1122.

The authors are responsible for the
accuracy of the examples, passages
and data provided in the texts.
The source must be specified when
copying from the journal.

Approved for printing: 28.11.2022
Size of the paper: 70x85
Printed sheet: 15
Offset printing. Offset paper.
Circulation: 100
Price is negotiable:
Order: 102

Printed at the
"Printing House of the TerSU"

43, Barkamol avlod str. Termez city.

Address of Editorial Office:
190111, Barkamol avlod str. , 43,
Termez city.
Phone: +998762231649
E-mail: philologicalresearch@umail.
uz
Official website: www.
philologicalresearch. uz

EDITOR IN-CHIEF:

Avazjon MARAKHIMOV, doctor of technical sciences, professor

Deputy Chief Editor:

Bekpulat UMURKULOV, doctor of philological sciences, professor
(Uzbekistan)

Editor-in-chief:

Shohista MAKHMARAIMOVA, doctor of philological sciences,
associate professor

EDITORIAL BOARD:

Ural Kholiyorov, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Olmos Ulviy Binnatova, doct.of philol. sciences, professor
(Azerbaijan)
Karl Rayxl, doct.of philol. sciences, professor (Germany)
Vali Salvash Elok, doct. of philol. sciences, professor (Turkey)
Dorota Silvia, PhD, associate professor (Poland)
Muslihiddin Mukhiddinov, doct.of philol. sciences, professor
(Uzbekistan)
Ibodulla Mirzaev, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Abdi Mmatov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Suyun Karimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Muhammadkhon Khakimov, doct.of philol. sciences, professor
(Uzbekistan)
Nafas Shodmonov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Dilmurod Kuronov, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Bakhtiyor Mengliev, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Normat Yuldashev, cand.of philol. sciences, associate professor
(Uzbekistan)
Abdulla Khudaykulov, PhD (Uzbekistan)
Bobonazar Murtazaev, cand.of philol. sciences, associate professor
(Uzbekistan)
Askar Eshmuminov, doct.of philol. sciences, associate professor
(Uzbekistan)
Obidjon Shofiev, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Zafar Umurkulov, PhD (Uzbekistan)
Nurali Amonturdiyev, PhD (Uzbekistan)
Abdumurod Arslonov, PhD (Uzbekistan)
Shoira Amonturdieva, PhD (Uzbekistan)
Gulchekhra Begmatova, PhD (Uzbekistan)
Sirojiddin Turdimurodov, PhD (Uzbekistan)
Nargis Kurbanmurodova, PhD (Uzbekistan)
Zaynura Kadirova, PhD (Uzbekistan)

МУНДАРИЖА

TILSHUNOSLIK

ҲАКИМОВ МУҲАММАДҲОН ХЎЖАХОНОВИЧ БУРХАНОВА МАШХУРАХОН МУҲАММАД ҚИЗИ Ҳид концепти: субстантив ассоциация	7
ШАРИФ ЁҚУБОВ Ўзбаким бошида қалпоқ.....	11
МАХМАРАИМОВА ШОХИСТА ТУХТАШЕВНА Маънонинг денотатив компоненти	16
ELOV BOTIR BOLTAYEVICH HAMROYEVA SHAHLO MIRJONOVNA XUSAINOVA ZILOLA YULDASHEVNA Nlp (tabiiy tilga ishlov berish)ning vazifalari va zamonaviy yondashuvlar	19
ХУДАЙКУЛОВ АБДУЛЛА ЭШКУВВАТОВИЧ Использование иноязычных вкраплений в текстах официально-деловых документов русского и узбекского языков	26
NURALI RASHIDOVICH AMONTURDIYEV O'zbek tili izohli lug'atlarida etnografik so'zlik maqolasi qiyosi	31
KAZAKOV ILHOM ROZMAMATOVICH Gidronimik indikatorlarda milliy-madaniy xususiyatlar	36
SIROJIDDIN TURDIMURODOV Evmizmlarda graduonimik tamoyillar	39
ХУДОЙНАЗАРОВА ЎҒЛОНОЙ АЛЛАМУРОДОВНА Инглиз тилида диний барқарор бирикмалар	43
ЮЛДАШЕВ ФАРРУХ ҲАҚБЕРДИЕВИЧ “Маънавият” умумий семали лексемаларнинг семантик ва концептуал таркиби	46
ЖЎРАЕВА НИЛУФАР ШУҲРАТ ҚИЗИ Француз тилшунослигида дисфемизмларнинг семантик хусусиятлари.....	49
МУКУМОВ МАХМУД ХУДАЙБЕРДИЕВИЧ Инглиз тилида вазифавий услублар	52
MAJIDOVA SHAHNOZA KOMILOVNA Surxondaryo gidronimlarining tarkibiy tuzilishi.....	55
NURJONOV OYBEK ERKIN O'G'LI Qoraqalpog'istondagi o'zbek shevalari tahlili	59

МУНДАРИЖА

ХОЛНАЗАРОВ УМИД ЭРКИНОВИЧ

Оламнинг лисоний манзарасида зооним компонентли
метафораларнинг роли (тоғай мурод қиссалари мисолида)..... 62

МАМАТАЛИЕВА НАВБАҲОР ХЎЖАМБЕРДИЕВНА

Инглиз ва ўзбек тилларида “ватан” мазмунли
афоризмларнинг чоғиштира таҳлили 65

MUQADDAS KASIMOVA

Graduonimiyaning leksik-semantik munosabatlar tizimidagi o'rni 69

XUSAINOVA ZILOLA YULDASHEVNA

Tokenizatsiya algoritmlari
Kompyuter lingvistikasi va raqamli texnologiyalar kafedrasida stajor-o'qituvchisi 73

АДАБИЁТШУНОСЛИК

БОБОНАЗАР ХУРРАМОВИЧ МУРТАЗОЕВ

Адиб Собир Тирмизий: ҳаёти ва ижодий мероси 77

ЮЛДАШЕВ НОРМАТ

Чўлпон шеъриятида анъанавий жанрлар ва уларнинг трансформацияси 81

МУСТАФОҲУЛОВ РЎЗИҚУЛ БОЙНАЗАРОВИЧ

Шодмон бахши термалари ҳақида икки оғиз сўз 86

ГУЗАЛ АМИРКУЛОВНА ХИММАТОВА

Ижодкор шахсияти ва воқелик инъикоси
(Кўчқор норқобил ижоди ва айрим асарлари мисолида)..... 91

НОРҚУЛОВА ШАҲНОЗА ТЎЛҚИНОВНА

Навоий лирикасининг ўрганилиши тарихига доир 94

BOBURJON BOUMATOV

Erkin a'zam kinoqissalarining mavzu ko'lami 98

ЗОЙИР ЯЛЛАҚАЕВ

Нафс – бадий ракурсларда 102

НИГОРА АШУРОВА

Адиба ижодида аёл образи ва миллий колорит
(Адиба жамила эргашеванинг “қир устидаги аёл” романи мисолида)..... 107

ТАЪЛИМ

KHUSAINOVA LEYLA YUNUSOVNA

The issues of designing some speaking techniques
the mastery of teaching speaking..... 111

ESANOV ALIJON MENG'BAEVICH

Bolalar mavsumiy marosim qo'shiqlarida tasviriy
vosita va she'riy san'atlarning qo'llanishi..... 115

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, “маънавият” лексик категориясининг маъновий гуруҳларига тегишли бўлган синонимик қатор ва яқин маъноли лексемаларининг дифференциал ва интеграл семалари лексик категориянинг семантик ва концептуал таркибини ёритади. Бунга қуйдаги омиллар сабаб бўлади:

биринчидан, ҳар бир лексеманинг қўлланилиш ўрни ва маъно муносабатлари мавжуд бўлади.

RESUME. In this article, the semantic and conceptual structure of the category “Spirituality” is revealed through the mutual semantic connection of noun units with the general term “spirituality”. In this article, the semantic and conceptual structure of the synonyms “culture” and “spirituality”, “virtue and ability” as well as “endurance”, “patience”, “endurance”, “will”, “perseverance” is highlighte.

РЕЗЮМЕ. В данной статье раскрывается смысловая и понятийная структура категории “духовность” через взаимную смысловую связь именных единиц с общим термином “духовность”. В данной статье выделена смысловая и понятийная структура синонимов “культура” и “духовность”, “добродетель и способность”, а также “выносливость”, “терпение”, “воля”, “настойчивость”.

Philological research: language, literature, education

2022; 5-6(5-6)

Qabul qilingan sana: 08.11.2022

Nashr etilgan sana: 28.11.2022

ISSN: 2181-1741 (Print); ISSN: 2181-1725

ФРАНЦУЗ ТИЛШУНОСЛИГИДА ДИСФЕМИЗМЛАРНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Жўраева Нилуфар Шухрат қизи,

Бухоро давлат университети Француз филологияси кафедраси ўқитувчиси

Тил шахсининг ички олами ҳақида ахборот берувчи, уни тасвирловчи, шунингдек, инсон ҳиссий-кечинмаларини ўзида ифода этувчи мураккаб ҳодиса ҳисобланади. Дарҳақиқат, ҳар бир шахс бирор воқеа-ҳодиса ҳақида гапираётиб, ўзининг эмоционал ҳолатини ифодаловчи, жумладан, ғазаб, қўрқув, шодлик, ҳайрат ва ҳ.к. туйғуларини ўзида акс эттирувчи сўз ва ибораларни нутқида қўллади. Айтиш жоизки, бу сўз ва ибораларнинг барчаси ижобий маъно хусусиятига эга бўлмай, инсон ғазаб, нафрат, норозилик ҳолатларида жамият ахлоқ-қоидаларига зид бўлган “сўкиш”, “масхара қилиш”, “камситиш”, “илтифотсизлик”, “истеҳзо”, “пичинг” каби маъноларни билдирувчи сўзлардан ҳам фойдаланади.

Эвфемизм ва дисфемизм бир-бирига зид тусунчалар бўлиб, эвфемизм “табу” – “айтилиши таъқиқланган”, “ман этилган”, “нохуш” деб ҳисобланган сўзларни яшириб, юмшатиб айтишга

Уларнинг қўлланилиши матнда конкретлашади.

иккинчидан, сўз маъноларининг интеграл хусусиятларида “маънавият” категориясининг лексик чегараси муҳим асосий аҳамият касб этади. Лексемалар маъновий чегарасини аниқлаб олиш “маънавият” категориясининг маъновий гуруҳлар таркиби ва маъновий гуруҳнинг семалари йиғиндисига мос ёки фарқ қилишига асосланади.

хизмат қилса, дисфемизм, аксинча, қўпол, дағал, ёқимсиз, беўхшов сўз ва ибораларни қўллаш орқали табу сифатида белгиланган сўзларни кучайтиради.

Бироқ асл реалликни бутунлай рад этиб бўлмагани каби унинг референциал кучи инсон онгида сақланади. Бу эса, ўз навбатида, табу сўзнинг референтига мурожаат қилишга эҳтиёж туғдиради. Бунда икки ҳолатни кузатиш мумкин:

1. Сўзловчи бирор қўпол, нохуш воқеа-ҳодисани тасвирлаш учун унинг “юмшоқ”, “қўнғилга ботмайди” эквивалентига мурожаат қилса – эвфемизм;

2. Табу ғоясини рад этишдан йироқда бўлган, аксинча, уни кучайтиришга хизмат қиладиган референт – дисфемизм.

В.Н.Ярцева муҳаррирлигидаги луғатда дисфемизмга шундай изоҳ берилади: “Дисфемизм – эмоционал ва стилистик жиҳатдан нейтрал сўзни

кўпол, илтифотсиз сўзлар билан алмаштириш”¹. Т.В.Матвеева ўз мақоласида дисфемизм тўғрисида кенгайтирилган таърифни беради: “дисфемизм – эмоционал ҳолатни кўпол равишда билдириш, стилистик жиҳатдан нейтрал сўз/иборани кўпол сўз ёки ибора билан алмаштириш. Мулоқот жараёнида сўзловчи ўз суҳбатдошини камситиш, таҳқирлаш, обрўсизлантиришни мақсад қилади. Бунда нутқ қоидалари бузилади, муносабатларда беадаблик, ҳаёсизлик кузатилади”².

Бугунги кунда дисфемия ҳодисаси худди эвфемиядек чуқур ўрганилмаган, шунингдек, француз тилшунослигида ҳам мазкур тушунча алоҳида тадқиқ объекти бўлмаган. “Дисфемизм” тушунчасининг француз тилидаги моҳияти ва француз тилшунослигида ўрганилишини тадқиқ қилганимизда олимлар томонидан бу тушунчани “дабдали сўзлар”, “жарангдор сўзлар”, “кўпол сўзлар”, “кўрс сўзлар”, “ҳақорат ва таҳқирлар”, “тил тажовуслари” каби вариантларда ўрганилганлигининг гувоҳи бўлдик.

Жумладан, С.Руэрансинг “Les gros mots” (Кўрс сўзлар) (1996) номли асари, Матию ва Флорэанинг “Les injures et les jurons: agressions verbales vs. jeux de langage” (Ҳақорат ва таҳқирлар: тил тажовуслари ва тил ўйинлари) (2014) номли мақоласи, Д.Перренинг лексикологик тўпламда нашр эттирган “Termes d’adresse et injures” (Мурожаат ва ҳақорат сўзлари) (1968) номли мақоласи, Нэнси Хюстоннинг “Dire et interdire” (Сўзламоқ ва таъқиқламоқ) (1980) номли китоблари француз тилшунослигида дисфемия ҳодисасини тадқиқот қилиш учун назарий манба сифатида хизмат қилади.

Тилшуносликка оид луғатларда дисфемизм тўғрисида алоҳида маълумот берилмай, унга эвфемизм бўлимида йўл-йўлакай изоҳ берилишини кузатиш мумкин. Француз тилида “дисфемизм” тушунчасининг этимологиясига мурожаат қилганимизда, ушбу маълумотларни кўриб чиқдик:

1. *Il s’agit d’une figure de style consistant en un durcissement, un enlaidissement, une exagération, une accentuation des aspects négatifs d’une chose ou d’une idée, en les exprimant de façon plus dure, plus critique ou plus vulgaire. Par exemple: “Vieille sorcière” pour une dame âgée. Ou: “Grosse vache” pour une femme enrobée. Le dysphémisme se distingue de l’hyperbole qui ne fait qu’amplifier la réalité. Et l’antonyme du dysphémisme est*

*l’euphémisme*³. (Дисфемизм деб бирор нарса ёки фикрнинг салбий томонларини кўполроқ, танқидий равишда ифодалаш орқали хунук, бўрттириб кўрсатиш, урғу беришдан иборат бўлган нутқ шаклига айтилади. Масалан, кекса аёл учун “кекса жодугар”, ёки тўла аёл учун “катта сигир” иборалари дисфемизмга мисол бўлади. Дисфемизм гиперболадан фарқ қилади, яъни дисфемизм фақат реал ҳақиқатни кучайтиради. Дисфемизмнинг антоними эса эвфемизmdir.)

Дисфемиянинг табиатини ўрганиш устида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, дисфемияларни таснифлаш масаласи очиқлигича қолмоқда. Шунга қарамай, биз дисфемизмларнинг бир қатор мавжуд таснифларини кўриб чиқамиз.

Дисфемияни лингвистик ҳодиса сифатида уни расмий ва семантик тузилишини ўрганган олимлар Пьер Гиро⁴ (*дисфемизмнинг морфо-семантика моделига асосланган семантик-лексик ёндашувлари*) ҳамда Касас Гомес⁵ (*эвфемизм ва дисфемизмнинг лингвистик методларини таснифлаш бўйича ёндашувлари*) дисфемизмнинг лингвистик воситаларини икки даражага: 1) расмий даража ва 2) ишора (белгиланувчи, ифодаланувчи) даражаларга бўлиб таснифлайди. Бунда расмий (формал) даража ҳар хил лингвистик воситалар – фонетик, морфологик, синтактик компонентлардан таркиб топган бўлса, ишора даражаси ҳам, ўз навбатида, ҳар хил лисоний услублар – лексик ёки семантик кабиларни қамраб олади.

Ишора даражаси хусусида.

1. *Паралингвистик даража*. Биламизки, тил – инсониятнинг энг муҳим алоқа воситаси, кишилар орасида фикр ва ахборот алмашинуви учун беқиёс аҳамият касб этади. Бироқ фикрни аниқ ва равшан етказиш учун лингвистик алоқанинг ўзинигина етарли деб ҳисоблаш тўғри бўлмайди. Шундай оғзаки бўлмаган элементлар мавжудки, улар нафақат лингвистик алоқани тўлдирди, балки уни ўзгартириб, унга таъсир кўрсатиб тилнинг муҳим таркибий қисмини ташкил қилади. Паралингвистик воситаларнинг вазифаси нутқни тўлдириш, ўрни келганда уни кучайтиришдан иборат.

2. *Интонация (оҳана)*. Просодия (нутқда урғули ва урғусиз, узун ва қисқа бўғинларни талаффуз

¹ Языкознание. Большой энциклопедический словарь / гл. ред. В. Н. Ярцева. – 2-е изд. – М.: Большая Российская энциклопедия, 1998. – С. 590.

² Матвеева Т.В. Полный словарь лингвистических терминов / Т. В. Матвеева. – Ростов н/Д.: Феникс, 2010. – 95 с.

³ Source: [wiktionary.org](https://www.wiktionary.org). Catégories *Vocabulaire et jargon linguistique*. <https://jaimelesmots.com/un-dysphemisme/>

⁴ Guiraud, Pierre, *La Sémantique*, Presses Universitaires de France, 1969.

⁵ Casas Gómez, Miguel, *La interdicción lingüística: Mecanismos del eufemismo y disfemismo*, Cádiz, Universidad de Cádiz, 1986.

қилиш системаси) ва интонация воситалари орқали тушунчанинг ижобий ёки салбий томонларини кучайтириш мумкин. Масалан, эвфемизм ҳолатида табулашган сўзни пичирлаб, совуқ, қисқа ёки бефарқ ҳолда талаффуз қилиш орқали унга нейтрал маъно бериш мумкин. Дисфемизм ҳолатида эса интонациянинг таъсири индивидуал тарзда, ҳар бир кишининг нутқ таъсирчанлиги, қолаверса, шахсияти, мулоқот мақсадига қараб белгиланади. Яъни табулашган сўз сўзловчининг ниятига ёхуд вазиятга қараб ғазаб, нафрат, жирканиш, киноя, дўқ-пўписа каби маъноларни ифодалаш мумкин. Интонациянинг дисфемизация жараёнида иштироки бир сўз ёки жумланинг кучли ва шиддатли талаффузи орқали унга дисфемик маъно юклаши билан белгиланади. Интонация воситаси асосан сўзловчининг “ҳақорат қилиш, камситишга бўлган интилиши” билан характерланади:

– *Mais qu'est-ce que tu vas faire? Tu vas le rejoindre? Tu vas être la putaine d'un rat d'égout?*

– *Je préfère être sa putaine que ta femme!* (Титаник филми: Роза ва Карл суҳбати)

(Хўш, нима қилмоқчисан? Сен у билан бирга бўлмоқчимисан? Сен канализация (кувурлар) каламушининг фоҳишаси бўлишни хоҳлайсанми?)

– Мен сенинг хотининг бўлишдан кўра унинг фоҳишаси бўлишни афзал кўраман!

Интонация дисфемик лингвистик восита сифатида, айниқса, истеҳзо ёки сатира орқали одамни масхара қилишга уринишда муҳим аҳамият касб этади. Жумла оҳанги истеҳзо билан айтилса, айтилмаган сўз ҳам маъно орқали англашинилади:

– *Continuez à parler, peut-être qu'un jour vous direz quelque chose d'intelligente!* (Гапиришда давом этинг, эҳтимол бир кун ақиллироқ бирор гап айтарсиз!)

Дисфемик интонация бошқа лингвистик воситалар – гипербола, рад этувчи имо-ишоралар ёки кўпол жилмайиш билан ҳам бирга ифодаланиши мумкин. Бунда табулашган сўзнинг камситувчи томонлари уқтирилади гўё. Ёзма нутқда бу тиниш белгилари билан ифодаланади. Шуни ҳам айтиш керакки, фақат контекст орқали ҳолатнинг ҳақорат, ҳазил, истеҳзо ва ҳ.к. маъноларда эканлигини аниқлаш мумкин:

– *Et comme tu es laid, espèce de bâtard ! Clown !, idiot !, âne !, gros ! Tu es tellement moche qu'à ta naissance le docteur a dit: "Attention une chauve-souris !! hahaha"* (Сен эса нақадар хунуксан, ҳароми! Масхарабоз! Аҳмоқ! Эшак! Семиз! Сен шу қадар хунуксанки, туғилганинда шифокор: “Кўршапалақдан эҳтиёт бўлинг!! Ҳа-ҳа-ҳа”, – деб кулган эди.

3. Имо-ишоралар. Имо-ишоралар оғзаки нутқнинг ўринбосарлари бўлиб, кўп ҳолларда ижобий

тушунчаларни англатсада, (масалан, “Ок” - “хўп”, “хўп бўлади”) кимнидир камситиш, таҳқирлаш, ҳақорат қилиш, жисмоний зўравонлик мақсадида ишлатиладиган имо-ишоралар ҳам мавжуд. Испаниялик тилшунос олим Эмилио Монтеро Картел¹ имо-ишораларни соф эвфемик восита сифатида рад этади, чунки кўп ҳолларда нутқ билан боғлиқ ёки бўлмаслигидан қатъи назар, улар табу сўзнинг маъносини ўзида акс этади. Интонация сингари, имо-ишоралар ҳам контекстга қараб турли хил маъноларга эга. Улар оғзаки нутқда ёки норасмий тилда ҳақоратли характердаги сўзни ўзида ифода этиши мумкин. Бир нечта ўзида дисфемик маъно ташувчи имо-ишораларни кўриб чиққанимизда, бугунги кунда кўплаб маданиятларда энг кўп ишлатиладиган имо-ишора (ҳаракат) сифатида ахлоқсизлик ва беҳаёлик белгиси бўлмиш “ўрта бармоқ” кўзга ташланди. Олим Эмилио Монтеро Картел “El Eufemismo en Galicia” (Галисиядаги эвфемизм) номли асарига келтирилишича, қадимда ибтидоий халқларнинг аёллари ўзларининг фарзанд кутаётганларини билдириш учун ҳам бармоқ имо-ишораларидан фойдаланишган экан. Бу эса ибтидоий даврда ҳам аёллар имо-ишораларга асосланган эвфемик тилга эга эканликларини кўрсатади. Тилшунос олим ибтидоий даврда эркаклар томонидан ишлатиладиган айрим сўзлар аёлларга таъқиқланганлигини, шунинг учун аёллар ўзларига қулай, махсус имо-ишоралардан фойдаланишганини айтиб ўтади. Бундан ташқари, бу ишора норозилик ва ғазабни билдириш учун спорт мусобақаларида тез-тез ишлатилишини кўриш мумкин. Бу провокацион (иғвогар) ишора бўлиб, сиёсат соҳасида ҳам кўплаб кузатилди. Айниқса, Европада сиёсат вакиллари, сиёсий партиялар ўрта бармоқ ишораси орқали ўз норозиликларини кўрсатишади. Ёки босқинчилар фаолиятини оладиган бўлсак, улар ўз қурбонларига сўзсиз таъсир кўрсатиш учун энг ёмон, ҳақоратли имо-ишоралардан фойдаланишар экан. Дисфемик маъно ташувчи имо-ишораларга тилни ташқарига чиқариш, қовоғини ўйиш, нафрат ёки менсимасликни ифодаловчи баъзи юз буришмалари, ёмон ёки истеҳзоли қарашларни санаш мумкин.

Шундай қилиб, дисфемизмнинг асосий вазифаси бирор ёқимсиз нарса ёки ҳодисага эътиборни қаратишдан иборат бўлиб, дисфемия – стилистик жиҳатдан салбий бўёқдор ёки нейтрал сўзларни суҳбатдошни атайлаб камситиш, уни обрўсизлантириш ёхуд бирор аниқ вазиятда но-

¹ Montero Cartelle, Emilio, El eufemismo en Galicia. (Su comparación con otras áreas romances), Santiago de Compostela, Universidad de Santiago de Compostela, 1981.

розилик, менсимаслик, нафратланиш каби муносабатларни ифодалаш мақсадида ишлатилади. Дисфемия прагматикаси – келиб чиқиш сабаблари,

ижтимоий-тарихий ва психологик тарқалишини ўрганмай туриб нутқда салбий сўзларни бартараф этиб бўлмайди.

RESUME. This article discusses the concept of dysphemism, the relationship between euphemisms and dysphemisms, and the semantic characteristics of dysphemisms in French linguistics. Studies of dysphemisms in French linguistics and linguists' opinions on the concept are also discussed.

РЕЗЮМЕ. В данной статье рассматриваются понятие дисфемизма, соотношение между эвфемизмом и дисфемизмом, а также семантическая характеристика дисфемизмов во французском языкознании. Также обсуждаются исследования дисфемизма во французском языкознании, мнения языковедов об этом понятии.

Philological research: language, literature, education

2022; 5-6(5-6)

Qabul qilingan sana: 08.11.2022

Nashr etilgan sana: 28.11.2022

ISSN: 2181-1741 (Print); ISSN: 2181-1725

ИНГЛИЗ ТИЛИДА ВАЗИФАВИЙ УСЛУБЛАР

Мукумов Махмуд Худайбердиевич,

Термиз давлат педагогика институти

Хорижий тиллар назарияси ва методикаси кафедраси ўқитувчиси

Тил инсон мавжудлигининг интеграл ва эҳтимол, энг муҳим элементиدير. Мулоқот қилиш, фикрни шакллантириш ва ифодалаш қобилияти фақат инсонларга хос бўлиб, улар тилнинг ифода тўлиқлиги ва ифода воситаларини мукамалликка келтира олади. Цивилизация тарихидаги энг муҳим босқич бу ёзувнинг яратилишидир. Фақатгина билимларни тўплаш ва узатиш қобилияти туфайли инсон ривожланиши мумкин. Лекин матн мазмуни ва маъносига мос келадиган лексик бирликларни қўллашда чалкашликларга йўл қўймаслик учун аста-секин адабий услублар назарияси шаклланди. В.В.Виноградов назарияни яратиш мақсадини қуйидагича белгилайди: *“Биринчи навбатда, адабий услублар назарияси олдида адабий-бадий асарлар нутқининг асосий жанр модификацияларини лингвистик нуқтаи назардан тубдан фарқлаш вазифаси турибди”*¹. М.Мукаррамов ўзининг ишларида ўзбек тилидаги функционал услубларни 5 та деб таъкидлайди: 1) сўзлашув; 2) расмий-хужжат; 3) илмий; 4) публицистик; 5) бадий услублардир². Муайян услубни

яратишда фойдаланиладиган тил воситалари аниқланди. Ушбу ишда бизни инглиз тилининг функционал услубларини шакллантириш жараёни қизиқтиради, чунки филологлар аста-секин бизнинг ўқувчиларимиз учун ўзбек тили услубларининг шаклланиши борасидаги масалаларга ойдинлик киритишди. Инглиз тили адабиёти стилистикаси соҳасидаги ишлар мавзуси эса фақатгина қисман қамраб олинган.

Аваллабор, келинг, инглиз адабиётига қандай функционал услублар хослигини, улар юқорида санаб ўтилган услубларга ўхшаш ёки ўхшамаслигини аниқлайлик. И.Р.Галперин инглиз тилининг қуйидаги услубларини белгилаб ўтган: 1) бадий; 2) публицистик; 3) газетавий; 4) илмий; 5) расмий-хужжат.³

Муаллиф америкалик ва инглиз тилшуносларининг асарлари таҳлилига асосланиб, услубга таъриф бериш борасида 2 фикр билдиради: 1) *“бу услуб бир муаллифни бошқасидан ёки бир кичик синф аъзоларини бошқа кичик синфлар аъзоларидан ажратиш турадиган хусусиятлар тўпламидир, уларнинг барчаси бир хил умумий*

¹ Виноградов В. В. Избранные труды. О языке художественной прозы. – М.: Наука, 1980.

² Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. – Тошкент: Фан, 1984. 15-бет.

³ Гальперин И.Р. Стилистика английского языка. – М.: Высшая Школа, 1981.